

Мусулмон футболчи бутун дунёни лол қолдирди



11:30 / 05.08.2022 4561

Суратда дунёнинг энг кучли футбол жамоаларидан бирида тўп сурувчи, замонамизнинг машҳур футболчиларидан бири бўлган Садио Мане. Жамоаси Лига кубогини қўлга киритганини қутламоқда. Аммо бизнинг қаҳрамонимиз жойнамозини олиб, хуфтон намозини адо этишга кетяпти. Қаҳрамонимиз бу хурсандчилик ва муваффақият учун Оламлар Роббисига саждада ўз шукрини, ташаккурини изҳор қилишга кетяпти.

Бирор муваффақиятга эришганингизда аввало, Роббингизга шукр қилинг. Зеро, барча яхшилик ва муваффақият Ундан, камчилик-хато ва ёмонлик эса биз ва шайтондан.

Бугунги кунда машхур мусулмон футболчи Садио Мане яна бир бор бутун дунёни лол қолдирди! У ўзи туғилиб ўсган қишлоғини шаҳарга айлантормоқда. Қишлоғига катта ҳаражат қилиб, шифохона ва мактаб қурдирди. Қишлоғидаги ҳар бир оилага ойига 70 евро беради. Улар учун 4G интернет ўтказиб берган. Қишлоқ аҳолиси учун АЁҚШ ва почта ҳам очиб берган. Унинг қишлоғида 2.000 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Интернет манбалари асосида тайёрланди